O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 31 январь, № 22 (4175) Чоршанба

МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ – маҳаллада тинчлик ва осойишталик гарови

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниб, осойишталигимиз янада мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда фаолият юритаётган 3539 та милиция таянч пункти кўмагида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга эришиляпти. Мазкур пунктлар қошида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаган ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Ўтган йил мобайнида 2599 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва милиция таянч пунктлари ходимлари ва нозирлар хизматини муносиб тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили уч босқичдан иборат «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказиб келинаётир.

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида вилоят ва шаҳар миқёсида ғолиб деб топилган 14 та милиция таянч пункти иштирокида танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда минтақалар ижтимоий-иқтисодий вазият ва демографик жиҳатдан келиб чиққан ҳолда ҳудудларга тақсимланган. Унга кўра, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласидаги 13, Наманган вилояти Поп тумани Гурумсарой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 11, Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Дўстлик маҳалласидаги 108, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Исмоилтепа маҳалласидаги 109-сонли милиция таянч пунктлари биринчи даражали диплом ҳамда «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди. Чиноз, Асака, Когон ва Янгибозор тумани вакилларига иккинчи даражали диплом ва компьютер тўплами, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари учинчи даражали диплом ва рангли телевизор билан мукофотланди.

— Халқимизнинг осойишта ҳаёти ва осмонимиз мусаффолигида маҳалла посбонлари ва нозирларининг хизмати беқиёс, — дейди Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов. — Бола тарбияси — бешикдан, деган гап бор. Зеро, фарзандларимиз тарбияси, ахлоқи ҳудудий идоралар, маҳалла ва айнан шу ҳудуддаги мактабларда камол топади, улғаяди. Шу жиҳатдан ўтказилаётган танловлар ёрқин келажак учун кафолат ҳамдир, деса арзийди.

Шунингдек, «Жиноятчиликка қарши курашда энг фаол профилактика инспектори», «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати бўйича энг фаол ходим», «Энг фаол маҳалла посбони», «Аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган энг фаол маҳалла оқсоқоли», «Энг фаол диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар кенгаши раиси» номинациялари бўйича ҳам ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С. Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

Шоира БОЙМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Депутатлар «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги нормалари батафсил таҳлил этилди.

Қонун лойиҳаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан судда ишларни юритишни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган давлатимизни ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш жараёнига тўла-тўкис мос келади. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўришга, ҳакамлик судида қўзғатилган даъвони таъминлаш чораларига, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларининг ижросига, ҳакамлик суди институти амал қилишидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқий қоидаларга дахлдордир.

Муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага лойиҳани учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда Жаҳон банкининг атроф-муҳит бўйича мутахассислари иштирокида «Углеродга оид молиялаш имкониятлари» мавзуида семинар бошланди.

Унда мамлакатимизнинг иқтисодиёт, молия, табиатни муҳофаза қилиш бўйича вазирлик ва идоралари, кимё, нефть-газ, қурилиш саноати вакиллари ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олишга қаратилган зарур чораларни кўриш, жаҳон иқтисодиётининг жадал саноатлашуви оқибатида табиатга етказилаётган зарарни камайтириш, атроф-муҳитга тарқалаётган заҳарли газлар ҳажмини қисқартираётган давлатларни рағбатлантириш мақсадида уларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган изчил тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олиш борасида ўз зиммасига олган барча халқаро шартномаларни изчил бажариб келмоқда. Жумладан, Киото протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилиши изчил таъминланмоқда. Айни пайтда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда Жаҳон банки билан ҳамкорлик яхши самара бериши шубҳасиз.

Семинарнинг биринчи куни Жаҳон банки мутахассислари В.Путининг «Жаҳон банкининг углеродга оид молиялаш борасидаги стратегияси», Д.Вайриненнинг «Углеродга оид молиялашнинг лойиҳадаги ифодаси», Й.Болдтнинг «Коммунал хўжалик ва сув захиралари» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

(ЎзА).

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАМКОРЛАРИ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан Сингапур Республикасида бўлди. Мазкур ташриф икки мамлакат манфаатларига хизмат қиладиган салмоқли натижалар билан якунланди.

Сафар асосида Президент Ислом Каримовга мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари раҳбарлари ҳамроҳлик қилди. Улар Сингапурда ўз ҳамкорлари билан музокаралар ўтказиб, ўзаро манфаатли келишувларга эришдилар. Қуйида делегация вакилларидан айримларининг фикрлари билан танишасиз:

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Зоҳид ҲАКИМОВ:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар эшигини очди. «Ўзбектуризм» томонидан уч кун давомида «Ўзбекистон туризми кунлари» тадбири ўтказилди. Ушбу тадбир давомида сингапурликлар юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлари, бетакрор меъморий обидалари, мафтункор табиати, халқимизнинг миллий урф-одатлари ва бой маданияти билан танишдилар.

Ўзбек миллий таомлари куни ҳам ўтказилди. Маълумки, сайёҳ жалб этишда миллий таомларнинг аҳамияти катта. Сайёҳ ўзи борган юртда яшовчи халқнинг руҳиятини, табиатини тўла ҳис қилиши учун унинг таомларидан татигиси, дастурхон одоби ва қоидаларини ўз кўзи билан кўргиси келади. Сингапурликларда ўзбек миллий таомлари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Сингапурнинг «Апекс» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. У Сингапурда «Ўзбектуризм»нинг ваколатхонасини очиш, кадрлар тайёрлаш ва реклама соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби масалаларни ўз ичига олган. Шунингдек, «Апекс» Сингапурдан Ўзбекистонга сайёҳ йўллаш дастурини ҳам ишлаб чиқади.

Сингапур сайёҳлик фирмалари уюшмаси билан имзоланган ҳамкорлик меморандумида эса икки мамлакатдаги фирма ва компаниялар ўртасида ахборот алмашувини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, Ўзбекистонда Сингапурни, Сингапурда Ўзбекистонни реклама қилиш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик операторлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг инфотурларини – танишув саёҳатларини ташкил қилиш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, туризм соҳасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Нурмуҳаммад АҲМЕДОВ:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапур Республикасига давлат ташрифи чоғида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «ОйлТекИП» компанияси ўртасида узоқ вақтдан буён ўзлаштириб келинаётган ва захираси тугаётган конлардан нефть қазиб олишни кўпайтириш ҳамда геологияразведка ишларида қатнашиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Сингапур нефть-газ конларини ўзлаштириш технологиялари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Ўзбекистон қатор давлатлар билан углеводород хомашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш борасида ҳамкорлик қилиб келади. Бу галги келишув захираси тугаб бораётган конларда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Сингапурнинг «Эдвансид Холдингз» компанияси билан имзоланган меморандум нефть-газ соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Унда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистонда тизим ва ускуналарни автоматлаштириш ҳамда уларга янги технологияларни жорий этиш бўйича қўшма корхона очилиши белгиланган.

«CW Singapore Pte Ltd.» компанияси ва «Societe General» банки билан тузилган битим Қўнғирот шаҳри яқинидаги газни қуритиш қурилмаси лойиҳасини биргаликда амалга оширишни кўзда тутади.

Сингапурнинг "Темасек" холдинг компанияси билан музокаралар жараёни бошланди. Ўзбекистон томонидан ушбу компанияга мамлакатимиздаги сармоявий блоклар бўйича бешта лойиҳа тақдим қилинди. Бу лойиҳалар синтетик дизель ёқилғиси ишлаб чиқариш, полиэтилен ишлаб чиқариш қувватларини ошириш каби соҳаларга йўналтирилган. «Темасек» раҳбарияти Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни режалаштираётганини маълум қилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаб, барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда дунёда энергия манбаларининг, энергетик хавфсизлик билан боғлиқ масалаларнинг аҳамияти ошиб бораётганини ҳисобга олсак, ушбу ташриф асосида Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасидаги шериклари сафи ошгани муҳим воқеалардандир.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари орасида "Amaton" масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўрин тутади. Бу ерда асосан ойналарга ишлов берилади ҳамда поролон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йили корхонада 80 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«AMATON»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

— Юртбошимиз томонидан тадбиркорлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганидан мамнунмиз, — дейди жамият раҳбари Султонхон Аҳмедов. — Бу ишончни меҳнатимиз билан оқлашимиз керак. Шунинг учун ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, самарадорликни оширишга, янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Изланишлар ўз самараларини бермоқда. Кейинги пайтда ойнага ишлов бериш цехига 50 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, хориждан замонавий технологиялар олиб келинди. Натижада 30 киши доимий иш билан таъминланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

«Le petit Journal» Ўзбекистонда болалар спортининг ривожланиши ҳақида

Францияда 70 минг нусхада чоп этиладиган «Le petit Journal» кундалик ахборот нашрида «Ўзбекистонда болалар спортининг тараққиёти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида фаол сиёсат олиб борилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф мустақил ривожланиш йиллари давомида юртимизда болалар спорти оммавий тус олганини қайд этар экан, мазкур соҳа ёш авлод тарбиясига қаратилган сиёсатнинг ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг таркибий қисми сифатида ривожланаётганини таъкидлайди.

«Ёш авлодни соғлом ва баркамол тарбиялашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда, деб ёзади газета. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилда эълон қилинган Фармонига мувофиқ болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши бу соҳанинг жадал тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди».

Мақолада республикамиздаги мавжуд спорт иншоотлари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари учун қишлоқ жойларида бирин-кетин бунёд этилаётган янги ва замонавий спорт масканлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Нашр қайд этганидек, кейинги йиллар давомида фойдаланишга топширилган жами спорт мажмуаларининг 85 фоизи қишлоқ жойларининг ҳиссасига тўғри келади.

«Le petit Journal» Ўзбекистонда спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларнинг сони йилдан йилга ўсиб бораётгани хусусида тўхталиб, жисмоний тарбия беришнинг замонавий шакл ва услублари жорий этилгани, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун барча шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлайди.

З. АЗИЗХОНОВА. «Жаҳон» АА.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

Сўз — сенаторга

МАКТАБГА САРФЛАНГАН БИР СЎМ

КЕЛАЖАКДА МИЛЛИОНЛАРНИ ЕТАКЛАБ КЕЛИШИ ШУБҲАСИЗ

Маънавият

Журналист сурштирувлари

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Инсоннинг узоқ умр кўриши нафақат унинг саломатлигига, балки интеллектуал салоҳияти, билими, заковати ва дунёқарашига ҳам боғлиқ экан. Буюк британиялик олимлар Глазго ва Эденбург университетларида 1347 нафар 56 ёшли аёл ва эркак ўртасида олиб борган ўн етти йиллик тадқиқотларидан сўнг шундай хулосага келдилар.

Сиёсий ислоҳотлар тизими

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ва у билан боғлиқ равишда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддаси, 93-моддаси 15-банди, 102-моддаси иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни биринчи ўқишда қабул қилинди. Янги қонунлар мамлакатимиз тараққиёти учун нима беради, деган савол бугун ҳар қандай фуқаронинг фикрида экани, шубҳасиз. Мазкур ҳаётий саволга ойдинлик киритадиган айрим мулоҳазаларни муҳтарам ўқувчига ҳавола этмоқчимиз.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда кечаётган давлат ва жамият қурилишининг стратегик мақсади демократик ҳуқуқий давлат ва замонавий маънодаги очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш эканлиги барчага яхши маълум. Мустақиллик йиллари давомида ана шу улуғвор ва айни пайтда, бениҳоя мураккаб вазифаларни бажариш, кўзланган муддаога эришиш йўлида катта ишлар қилинди, фахрланса арзигулик ютуқлар қўлга киритилди.

Бироқ "демократик ҳуқуқий давлат" ёки "очиқ фуқаролик жамияти" деган тушунчалар — бағоят серқирра ҳодисалар бўлиб, улар ранг-баранг омилларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам бундай мақсадларни рўёбга чиқариш учун узоқ муддат ва катта саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасига эътибор берсак, бунга ўнлаб йиллар, ҳатто асрлар сарфланганига амин бўламиз.

Масаланинг бошқа бир жиҳати шу билан боғлиқки, демократик ҳуқуқий давлатни ҳам ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган очиқ фуқаролик жамиятини ҳам фақат хоҳиш-истак билан барпо этиб бўлмайди: энг аввал бунинг учун зарур сиёсий ва ҳуқуқий заминни шакллантириш лозим. Бундай замин пировард мақсаднинг амалга оширилишига хизмат қиладиган муайян ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий механизмларнинг яратилиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Гарчи ушбу механизмлар кўп сонли ва хилма хил бўлса-да, уларнинг орасида ўзига хос "ўқ" тузилмалар бор. Сиёсий партиялар, шубҳасиз, уларнинг энг бошида туради.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ва у билан боғлиқ равишда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддаси, 93-моддаси 15-банди, 102-моддаси иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни – бирини иккинчисидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишни кўзлаган серқирра жараёндаги янги босқични бошлаб бермоқда, дейишга барча асослар бор. Бошланаётган босқичнинг мазмун-моҳиятини сиёсий партияларнинг зикр этилган жараёнлардаги иштирокини чуқурлаштириш ва янада тўлақонлироқ бўлишига эришиш ташкил этмоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, мазкур босқич икки жиҳати билан алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатчилик тизимининг демократияга мослиги, қоларверса, унинг ҳуқуқийлиги, яъни ундаги ҳаётнинг қонунлар билан белгиланган мезонларга асосланганлигининг бош белгиларидан бири – унда фаолият юргизаётган сиёсий партияларнинг жамият ҳаётини ташкиллаштиришдаги ҳақиқий ўрнидир. Зеро, демократик давлатларда айнан сиёсий партиялар жамиятнинг турли-туман қатламларининг давлат бошқаруви органларидаги (вакиллик органлари орқали) иштирокини таъминловчи механизм бўлиб хизмат қилади. Президентимиз томонидан киритилган конституциявий қонунда айнан ана шу ҳаётий масала марказий ўринни эгаллайди. Лўнда қилиб айтганда, ушбу қонун матнига сингдирилган сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш жараёнидаги ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмоқда. Худди шунингдек, унда мухолифатдаги сиёсий партияларга ҳам демократия талаблари шарт қилиб қўйган кафолатлар муҳрлаб қўйилмоқдаки, ушбу мутлақо янгича сиёсий воқелик мамлакатимизда кечаётган давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ жараёнлар моҳиятини тубдан ўзгартиради. Уларнинг том маънодаги янгиланиши ва янгича моҳият касб этишига йўл очиб беради. Таклиф этилаётган конституциявий қонун номидаги "давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш" тушунчасининг асл моҳияти ҳам ўзининг ҳаётий татбиғини айнан шунда топади, дейиш мумкин.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти дегани – ўз ҳуқуқ ва манфаатлари билан бир қаторда, жамият олдидаги масъулият ва мажбуриятларини ҳам соғлом идрок этадиган онгли ва фаол фуқаролардан иборат жамиятдир. Айнан ҳуқуқ ва мажбуриятлар идрокининг уйғунлиги бундай фуқароларни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига, жумладан, унинг ичида кечаётган жараёнларга ўзининг яратувчан таъсирини ўтказишга қодир элементга айлантиради. Сиёсий партиялар эса, энг таъсирчан ва фаол жамоат бирлашмаси сифатида, ҳар қандай фуқаролик жамиятининг "умуртқа суягини" ташкил этади. Сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳамда турли-туман ижтимоий моҳиятга эга жараёнларга нисбатан таъсир кучи эса, бошқа кўринишлардаги жамоат бирлашмаларидан фарқлироқ, уларнинг ҳокимият учун курашиш билан боғлиқ ҳуқуқий мақоми билан белгиланади. Шу маънода, сиёсий партиялар кенг халқ оммаси ёки электорат билан давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, айниқса, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги боғловчи ҳалқа ёки ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Бундан чиқадики, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш — кенг халқ оммасининг ушбу умуммиллий аҳамиятли жараёнга бўлган таъсирини кучайтириш демакдир.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши давлат бошқарувидаги яна бир демократик тамойилни бугунгидан-да кўра тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бу тамойил илмий тилда "жиловлаш ва посангилар тизими" ("система сдержек и противовесов") деб номланади. Унинг моҳиятини эса, ҳокимиятнинг турли тармоқлари, айниқса, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари бир-бирига соғломлаштирувчи ўзаро таъсир кўрсатиб туриши зарурати ташкил этади. Халқона тилда айтганда, ҳокимиятнинг бир тармоғи иккинчисининг "ҳаддидан ошиб кетмаслиги"ни таъминлаб, эҳтиёж туғилганда, уни "жиловлаб" туриши ёки унга нисбатан "посанги" вазифасини ўташи — ҳар қандай мамлакатдаги умуммиллий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиб келаётгани халқаро тажрибада такрор ва такрор исботланган ҳақиқатдир. Биринчи ўқишда қабул қилинган конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилаётган Олий Мажлисдаги сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги сиёсий партиялар гуруҳларининг Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар ҳокими номзодини тасдиқлаш, қолаверса, уларнинг фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ваколатлари, бошқа ижобий натижалардан ташқари, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижро тармоқлари ўртасидаги соғломлаштирувчи ўзаро таъсир ва назоратни кучайтиришни таъминлайди. Демак, яратувчан умуммиллий механизм бўлиб хизмат қилади.

Зикр этилган қонунларда ўз тажассумини топган том маънодаги демократик тамойилларнинг Ўзбекистон тараққиётига кўрсатажак ижобий таъсиридан келиб чиқиб, улар нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро ташкилотлар, эътиборли хорижий экспертлар, чет эллик давлат ва жамоат арбоблари уларга юксак баҳо бермоқдалар. Бинобарин, ушбу қонунлар мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган сиёсий ислоҳотлар тизимидаги навбатдаги муҳим дадил қадам бўлиб, давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада либераллаштириш ва демократлаштиришига шубҳа йўқ.

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ҳаловат лаҳзалари

Улуғнор тумани деҳқонлари мавсум сабоқларидан хулоса чиқариб, қиш фаслида ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Мухбиримиз Т. Ҳамроқулов тасвирга олган бу суратдаги манзара ҳаловатга йўғрилган беҳаловатликни ифода этади. «Мовароуннаҳр» фермер хўжалиги аъзолари Б. Усмонов ва Ш. Исақовлар (суратда)нинг ерга бўлган муҳаббати ғўзапоя чўғидан-да қайноқ.

Япония Ўзбекистоннинг нафақат Шарқий Осиёдаги, балки дунёдаги энг яқин ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Энг яқин ҳамкоримиз

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган эди. 1992 йилнинг 26 январь куни икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганди. Ушбу санага 15 йил тўлди. Шу муносабат билан Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото матбуот конференцияси ўтказди. У ўз сўзида икки томонлама алоқаларнинг ривожида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 ва 2002 йилларидаги Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг ўтган йили мамлакатимизга расмий ташрифи муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўтган йиллар давомида Япония Ўзбекистон иқтисодиётига 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ инвестиция киритди. Шунингдек, темир йўл, алоқа, транспорт, тиббиёт, таълим соҳаларида бегараз ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозир икки мамлакат ўртасида 215 лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилиб келинаяпти.

Японияда ҳам ўзбек маданияти, тарихига қизиқиш жуда кучли. Йилдан-йилга Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари япон ишбилармонларини ўзига жалб этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, кўплаб қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Б. УММАТОВ.

Мукаммаллик – бош мезон

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 февралдаги фармойишига асосан тузилган Идораларарo ишчи гуруҳи зиммасига Божхона Кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш юклатилганди.

Ишчи гуруҳи белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Божхона Кодекси лойиҳасини тайёрлади. Айни пайтда жойларда уни ўрганиш ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат педагогика университетида "Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси — назария ва амалиёти" мавзуида ана шундай учрашувларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Давлат божхона қўмитаси, сиёсий партиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Чкалов номидаги ТАИЧ бирлашмаси, олий ўқув юртлари олимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқишда асосий эътибор унинг халқаро стандарт талабларга мос келишига қаратилган. Ундаги атамалар аниқ, такомиллаштирилган тарзда баён этилган ҳамда божхона назорати, расмийлаштирувчи процедуралари ва божхона тўловларини қўлланиш тизими анча соддалаштирилган. Интеллектуал бойлик, ички ҳамда халқаро транзит божхона тартиблари, божхона расмийлаштирувидан кейинги божхона назорати, хавфни бошқариш каби тушунчаларга атрофлича шарҳ берилган. Янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси билан батафсил танишиб чиққан давра суҳбати қатнашчилари, унинг ана шу афзалликлари хусусида сўз юритиб, яна киритилиши лозим бўлган қўшимчалар тўғрисида ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Тадбир давомида билдирилган тавсия ҳамда таклифларни умумлаштириб, Идораларарo ишчи гуруҳига тақдим этишга келишиб олинди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Республика хўжалик судлари фаолиятининг 2006 йилдаги якунларига оид маълумотлар мазкур тизимда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни адолатли ва қонуний ҳал этишга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётганлигини кўрсатади.

Ўтган йилда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги 212,000 дан ортиқ низоларнинг кўриб чиқилганлиги, даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 2,3 триллион сўмлик, хусусан бевосита тадбиркорлар фойдасига 67,6 миллиард сўмлик маблағларни ундириш тўғрисида суд қарорлари чиқарилгани фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Аминжон ИШМЕТОВ билан суҳбатимиз хўжалик судларининг 2006 йилдаги фаолияти якунлари, шунингдек давлатимиз раҳбарининг 2005 йилда қабул қилинган, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришга қаратилган Фармонларининг самаралари хусусида кечди.

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИ:

АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

— Бугунги кунда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда бошқа мутасадди тузилмалар олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётимизнинг асосий таянчи — хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Хўжалик судларининг бу борадаги фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Аминжон Жабборович, маълумотларга қараганда, хўжалик судларида кўриб чиқилаётган ишларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Суҳбатимизни мазкур ҳолатнинг сабаблари ва хўжалик судларининг 2006 йилдаги фаолияти таҳлилларидан бошласак....

— Дарҳақиқат, 2006 йилда хўжалик судлари томонидан тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иштирокидаги 212.800 тага яқин низоли ишлар кўриб чиқилган ва бу рақам 2005 йилдагига нисбатан салкам икки баравварга кўпайган.

Хўжалик ишларининг бундай тарзда кўпайишига мамлакатимизда тадбиркорликнинг изчил ривожланиб, мазкур соҳа вакиллари сонининг ўсиб бораётганлиги, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг фаоллашаётгани каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи хўжалик юритувчи субъектлар шартнома интизомига ҳар доим ҳам риоя қилмаяпти. Шартнома муносабатларига киришаётган тарафлар бир-бирларининг молиявий аҳволини етарлича ўрганмаяпти. Айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун масъулиятни чуқур ҳис этмасликлари ҳам хўжалик низолари кўпаяётганлигининг сабабларидандир.

Бироқ, хўжалик судлари одил судловни амалга ошириш баробарида бу каби ҳолатларга жиддий муносабат билдириб келмоқдалар. Далилларга мурожаат қиламиз: ўтган йилда кўриб чиқилган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 2 триллион 300 миллиард сўм ундириш тўғрисида қарорлар чиқарилган. Мазкур маблағлар миқдори 2005 йилга нисбатан 700 миллиард сўмга кўпдир. Республика бюджетига қарийб 35 миллиард сўм давлат божи ундириш ҳақида суд ҳужжатлари қабул қилинган. Ишларни кўриш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан хўжалик судлари томонидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка бўлган 13 мингдан ортиқ таъсир чоралари қўлланган.

Масалан, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Пахтачи" жамоа корхонаси мансабдор шахсларининг корхона мулкини мансаб ваколатини суиистеъмол этиш йўли билан талон-торож қилиши, мансабга совуққонлик билан қараши, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиб, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиши оқибатида корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб, меҳнат жамоаси манфаатига жуда кўп миқдорда моддий зарар етган. Мазкур ҳолат юзасидан Қашқадарё вилоят хўжалик суди томонидан корхонанинг собиқ раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

— Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилиш хўжалик судларининг устувор вазифаларидандир.

2006 йилда кўриб чиқилган низолар бўйича бевосита тадбиркорлик субъектлари фойдасига 67,6 миллиард сўмлик маблағларни ундириш ҳақида суд ҳужжатлари чиқарилгани бу рақам 2005 йилдагига нисбатан 22,5 миллиард сўмга кўпайгани бунинг далилидир. Давлат ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган ва уларнинг ҳуқуқларини бузган 400 га яқин ҳужжатлари ҳам хўжалик судлари томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида уларнинг даъво аризалари тасдиқланган жадваллар асосида туманларда қабул қилиниб, 88.700 та иш бевосита жойларда, сайёр суд мажлисларида кўрилган. Тадбиркорларнинг даъво аризалари олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритувга қабул қилинмоқда.

Аграр соҳада етакчи кучга айланиб бораётган фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, улар иштирокидаги низоларни фермерларнинг ўзлари жойлашган манзилларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш ҳам хўжалик судларининг устувор вазифаларидан бирига айланган. 2006 йилда фермер хўжаликлари фойдасига жавобгарлардан қарийб 5 миллиард сўм ундириш тўғрисида суд қарорлари қабул қилинган.

Фермерлардан ноқонуний олиб қўйилган 6,4 минг гектар ер майдонлари суд қарорлари билан улар ихтиёрига қайтарилди. Фермерларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, улар ҳуқуқларининг бузилишига сабабчи бўлган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан хўжалик судлари томонидан жиноий жавобгарликка бўлган 100 дан ортиқ таъсир чоралари қўлланган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хўжалик судларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини янги босқичга кўтарди. Фармонга мувофиқ, ўтган йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш ҳақидаги назорат органларининг 32 мингга яқин аризалари кўриб чиқилган. Энг муҳими, мазкур аризаларнинг 10 мингдан ортиғи қаноатлантирилмаган ва бу билан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Масалан, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро шаҳридаги "Ситора Автобозор" очиқ акциядорлик жамиятидан молиявий жарима ундиришни сўраган.

Даъвогар келтирган важга кўра, "Ситора Автобозор" ОАЖ "қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда 2006 йилнинг 2-чорагида акциялар жойлашуви ҳақидаги ҳисоботни белгиланган муддатда Марказга топширмаган.

Воҳаланки, жавобгар кичик бизнес субъекти сифатида 2003 йилда рўйхатга олинган ва 2004 йил 25 октябрда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига ёзма мурожаат қилиб, ҳисоботларни йилига бир марта топшириш ҳақида рухсат олган.

Шу боис, вилоят хўжалик суди тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризани рад қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги ишларнинг 11.000 дан ортиғи бевосита тадбиркорлар жойлашган манзилларда, сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Мазкур тоифадаги ишларни кўриш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди пленумлари 2006 йилнинг 22 декабрида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида қарор қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам тадбиркорликка бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирди десак, муболаға бўлмайди. Буни нималарда кўриш мумкин?

Аввало, тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизими такомиллаштирилди, текширишлар сони кескин қисқарди.

Айни пайтда, тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишлар, улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олди олинмоқда, бундай амалиётга барҳам берилмоқда. Хусусан, 2006 йилда хўжалик судларида жами кўрилган ишлар сони 2005 йилдагига нисбатан қарийб икки бараварга кўпайган бир пайтда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатида давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ҳақидаги ишлар сони камайган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги, масъулияти кучайтирилди. Бу ўринда Президентимизнинг юқорида тилга олинган Фармонида назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплаган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилишининг белгиланганлигини эслатиш кифоядир...

— Хўжалик судларининг банкротлик институтини қўллаш борасидаги фаолияти ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз...

— Бозор шароитида иқтисодиётни янада соғломлаштиришнинг муҳим омилларидан бўлган банкротлик институтини қўллашга ҳам хўжалик судлари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2006 йилда банкротлик тартиботини қўллашга доир 3.825 та ариза кўриб чиқилган. 200 та корхонанинг қарзлари қопланганлиги, тўлов қобилияти тикланганлиги инобатга олиниб, улар банкрот деб эътироф этилмаган. Иқтисодий ночор, истиқболсиз 3.397 та корхона банкрот деб топилган. Уларнинг 85 фоизи бугунги кунда тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган.

Корхоналарнинг банкротлик ҳолатига келиб қолишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан хўжалик судлари томонидан 30 дан ортиқ жиноят, 500 га яқин маъмурий иш қўзғатилган, 100 нафардан зиёд бундай шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида хусусий ажримлар чиқарилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Абай номли ширкат хўжалигининг собиқ раҳбарлари корхона мулкини мансаб ваколатини суиистеъмол этиш йўли билан талон-торож қилиш, мансабга совуқ-қонлик билан қараш каби жиноий ҳаракатлар содир этиши оқибатида хўжалик банкротлик ҳолатига келиб қолган. Меҳнат жамоаси манфаатига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан хўжалик суди томонидан корхонанинг собиқ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган...

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, одил судловни амалга ошириш, хусусан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда адолат ва қонунийликни таъминлаш устувор вазифамиздир. Ўз навбатида, мустақил мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, жамиятимизнинг шиддатли ривожи, кенг қўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бир сўз билан айтганда, давр судьянинг олдига янада улкан ва айтиш мумкинки, устувор талабларни ҳам қўймоқда.

Бу, биринчи навбатда, ҳар бир судьянинг масъулиятини кучайтириш билан боғлиқдир. Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида қилган дастурий маърузаларида шундай таъкидлайдилар: "...Ўта муҳим масала — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди."

Барча камчиликларнинг, хатоларнинг илдизи ҳам айнан масъулиятсизликка бориб тақалишини чуқур ҳис этишимиз зарур.

Рўзибой САИДОВ
суҳбатлашди.

ЖАҲОН 24 соат ичида



Эроннинг диний раҳнамоси Оятулло Али Ҳумайний газ экспорт қилувчи мамлакатлар иштирокида ОПЕКка ўхшаш ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқди. У Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби Игор Иванов билан Теҳронда учрашганида ушбу масалани ўртага ташлаган. Унинг қайд этишича, бугунги кунда Россия ва Эронда дунё газ захираларининг ярми мавжуд.

Исроил давлати тарихида биринчи бор араб миллатига мансуб Ралеб Мажадле хукумат аъзолигига тасдиқланди. Меҳнат партияси етакчиси Амир Перец Ралебнинг вазир лавозимига тайинланиши мамлакатдаги араблар ва яҳудийлар тенглигини таъминлашдаги муҳим қадамлардан бири эканлигини таъкидлади. Айни пайтда Исроил аҳолисининг 20 фоизини араблар ташкил этади.

Вьетнам хукумати мамлакат армияси ва коммунистик партияга қарашли ўнлаб катта компанияларнинг хусусийлаштирилишига рухсат берди. Айни пайтда мамлакат қуролли кучлари 100 дан ортиқ турли фирмалар ва компаниялар, хусусан, уяли алоқа тизими, банк, тўқимачилик ва меҳмонхоналар бизнесини назорат қилмоқда. Ҳукумат эндиликда миллий армия фақатгина мамлакатни ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозимлиги тўғрисида бир қарорга келди.

Бундан бир неча кун илгари Саудия Арабистони Подшоҳи Абдулла Фаластиндаги «ФАТХ» ва «ХАМАС» гуруҳларини ҳамжиҳатликка чақирганди. Улар ўртасида миллий бирдамликка эришиш йўлида, ҳатто, воситачилик қилиши ҳақида баёнот берганди. Кеча икки гуруҳ мухториятда зўравонликларни тўхтатиш тўғрисида битим имзоладилар. Бу ҳақда «ХАМАС»нинг юқори лавозимли вакили маълум қилди.

Россия Президенти Владимир Путин жорий йил 1 февраль куни журналистлар учун йиллик матбуот анжумани ўтказади. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, матбуот анжуманида қатнашиш истагини билдирган журналистлар сони рекорд даражага етган. Ҳозиргача 1113 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари расман аккредитациядан ўтказилган. Ўтган йилги матбуот анжуманида 100 нафарга яқин журналист иштирок этиб, Россия давлати раҳбарига 700 дан ортиқ савол билан мурожаат қилишганди.

Ироқнинг Нажаф шаҳрида жангарилар билан кучли отишмалар давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, аксилтеррор амалиётлари натижасида 300 дан ортиқ жангари йўқ қилинган. Жангларда икки америкалик ва уч нафар ироқлик ҳарбий ҳалок бўлди.

Эфиопияда Африка Иттифоқининг саммити бўлиб ўтмоқда. Унда қитъанинг 50 дан ортиқ мамлакатлари етакчилари иштирок этаяпти. Суданнинг Дарфур музофотидаги диний ва этник зиддиятлар музокараларнинг бош мавзусига айланди. Саммитда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам қатнашмоқда. У Судан президенти Умар Баширдан мамлакатга БМТ тинчликпарвар кучларининг киритилишини талаб қилди. БМТ музофотга 22 минг нафар ҳарбийни жўнатишни режалаштирмоқда.

2006 йилда бутун дунё бўйлаб 1,018 миллиард дона қўл телефони сотилди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагидан 25 фоизга кўп демакдир. Осиё ва Африка мамлакатларида уяли алоқа телефонларининг кўп ва арзон нархларда бозорга чиқарилиши дунё аҳолисининг харид имкониятига мос тушмоқда. Ўтган йилда Финляндиянинг «Нокиа» компанияси маҳсулотлари етакчилик қилди. Ушбу компания чиқарган бежирим қўл телефонлари жаҳон бозорининг 34 фоизини эгаллади. Кейинги ўринларни «Моторола» ва «Самсунг» банд этди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Меҳнат бозори

Дунё иқтисодиётининг шиддат билан ривожланиб боришида бошқа соҳалар каби меҳнат ресурсларининг эркин алмашинуви ҳам катта аҳамиятга эга. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучининг алмашинуви ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. XXI асрнинг бошларига келиб муҳожирларни жадал жалб этадиган Канада, Австралия, АҚШ каби мамлакатлар қаторига Европа Иттифоқи, Осиё-Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги айрим давлатлар қўшилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам халқаро меҳнат миграцияси жараёнларига жадаллик билан кириб бораяпти. Бунда, аввало, ривожланган мамлакатлар билан ишчи кучини алмашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорини чуқур ўрганиш, хориждан ишчи кучини жалб этишга қизиқиш билдирган иқтисодиёт соҳаларини таҳлил этиш ва хорижий меҳнат бозорида малакали мутахассисларга бўлган талабларни ўрганиш фуқароларимизни чет элларда ишга жойлаштиришда зарур масалалардан бири ҳисобланади.

КОРЕЯГА ИШГА БОРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

қуйидаги шартларни адо этиш зарурлигини билиб олинг

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ишчи кучини алмашиш ва фуқароларимизни мазкур мамлакатга ишга юбориш борасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб бориши бу йўналишдаги ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Корея Республикасининг ваколатли муассасалари билан ишчи кучини ушбу давлатга жалб этиш борасида узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келяпти. Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда Қурилиш уюшмаси билан ҳамкорлик доирасида бир неча минглаб фуқароларимиз Корея саноат малакаси тизими бўйича етакчи саноат корхоналарида касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилишга юборилмоқда.

Мазкур давлат ўз иқтисодиётининг аҳоли кам ишлайдиган соҳаларини аниқлаган ҳолда хорижий ишчи кучини жалб қилишни йўлга қўйди. Ҳозирда саноатнинг турли соҳаларига жалб этилаётган хорижий фуқаролар сони Корея Республикаси ҳукумати томонидан самарали тартибга олинган. Бу ерда хорижий ишчиларни танлаш бўйича аниқ ва содда тизим ишлаб чиқилган.

Корея Республикасига юборилган фуқаролар касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилиш шартларига кўра, ётоқхона ва кунига уч маҳал овқат билан бепул таъминланади. Шунингдек, фуқароларга тиббий суғурта, ишлаб чиқаришда ва ундан ташқарида бахтсиз ҳодисалардан ҳамда иш ҳақини вақтида тўланишини суғурталаш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, саноат малакаси тизими бўйича жалб этилган хорижий ишчилар маҳаллий аҳолига рақобатчи бўлмай, балки кўпроқ меҳнат бозорини тўлдиришга ёрдам берадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида асосан хорижий ишчилар меҳнатидан фойдаланилади. Кўпчилик фирмалар ўз ишлаб чиқариш дастгоҳларини чет элларга олиб чиқиш имкониятига эга эмаслар. Шунинг учун хорижий фуқароларни ишга жалб этиш иш берувчиларга ҳам, маҳаллий меҳнат бозори учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2003 йил 16 августда Корея Республикасида «Хорижий фуқароларни ишга жалб этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ 2004 йил 1 августдан эътиборан мамлакатда хорижий ишчи кучини жалб қилиш бўйича Бандликка рухсат бериш (эркин ёллаш) тизими жорий этилди. Мазкур тизим амалда бўлган саноат малакаси тизими ўрнига татбиқ этилмоқда. Ушбу тизим йўлга қўйилиши мамлакат ҳудудига ноқонуний ишчи кучи кириб келишига барҳам бериб, эҳтиёжманд мутахассисларни жалб этилишини таъминлайди.

Мазкур янги тизимнинг илк қатнашчилари Таиланд, Шри-Ланка, Вьетнам, Мўғилистон, Индонезия, Филиппин каби давлатлар бўлиб, улар билан Корея Республикаси икки томонлама битимлар имзолаган.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг 2006 йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига расмий ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида «Бандликка рухсат бериш тизими (Эркин ёллаш тизими) бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди. Мазкур Меморандумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Корея Республикасига Эркин ёллаш тизими бўйича ишга бориш имконияти яратилди.

Кореянинг Эркин ёллаш тизими малака тизимидан



тубдан фарқ қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, янги тизимнинг асосий талабларидан бири барча жараёнлар фақатгина Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус компьютер дастури орқали амалга оширилади.

Мазкур жараён бир неча босқичдан иборат бўлиб, асосийси корейс тили бўйича ўтказиладиган тестда иштирок этишни ўз ичига олади. Тестда иштирок этиш истагини билдирган фуқароларга Кореянинг Эркин ёллаш тизими бўйича номзодлар ёши 18 дан 39 гача, жиноий жавобгарликка тортилмаган, Корея Республикасидан мажбуран чиқариб юборилмаган (депортация қилинмаган), Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқиши чегараланмаган бўлиши лозим.

Ушбу талабларга мос келадиган номзодлар корейс тилидан ўтказиладиган тестда иштирок этишлари мумкин.

Эътибор бериш лозимки, корейс тилидан ўтказиладиган тестга қатнашиш учун фуқаролар белгиланган миқдорда тўлов тўлайди. Ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда Корея Республикасида бу тизим бўйича фуқароларимизни ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади.

Эркин ёллаш тизимининг яна бир муҳим жиҳати шуки, номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши уни Корея Республикасига ишга юборилишига кафолат бермайди. Тестдан ижобий кўрсаткич билан ўтган фуқаро Эркин ёллаш тизими бўйича ҳужжат топширишнинг бир шартини бажарган ҳисобланади.

Номзодларнинг корейс тилидан билимларини аниқлаш учун тест синовларига қўйиладиган саволлар икки қисмдан иборат:

1) эшитиш ва тушуниш қобилиятини аниқлаш;

2) ўқиш ва матн бўйича саволларга жавоб бериш.

Номзодлар тестдан муваффақиятли ўтиш учун корейс тилининг бошланғич босқичини билишлари лозим.

Тест синовлари Жанубий Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан Ўзбекистонда корейс тилида ўтказилади. Тестдан муваффақиятли ўтганлар учун берилган ҳужжат Кореяда ишлаш муассасасидан тиббий кўрикдан ўтишларини талаб этади.

Тиббий кўрикдан муваффақиятли ўтган номзодлар Жанубий Кореяда ишлаш учун ҳужжатлар топшириш ҳуқуқига эга бўладилар. Сўнгра номзодлар Кореяга кетиш истагида бўлганлар рўйхатига киритилиб, махсус компьютер дастури орқали улар тўғрисидаги маълумот мамлакатдаги мутасадди ташкилотга юборилади.

Таъкидлаш жоизки, номзодларнинг мазкур рўйхатга киритилиши ҳам уларнинг Корея Республикасига ишлаш учун кетишларини кафолатламайди.

Хорижий ишчини жалб қилиш истагида бўлган Корея иш берувчилари Корея Меҳнат вазирлигининг бўлимлари орқали белгиланган талабларни амалга оширгач, хорижий ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига эга бўладилар ва хорижий ишчилар рўйхати орасидан керакли ишчини танлаб олиб, уни ишга таклиф этиш учун Корея Республикаси Меҳнат вазирлигидан рухсатнома оладилар.

Шундан кейин иш берувчи Кореядаги мутасадди ташкилот орқали Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига танлаб олган номзод учун меҳнат шартномасини юборади. Фуқарога ушбу меҳнат шартномаси мазмуни батафсил тушунтирилгандан сўнг, уни имзолаш фуқаро ихтиёрига ҳавола этилади.

Агар танланган номзод ўз номига келган меҳнат шартномасини имзоламаса, у ишлаш учун кетишдан бош тортган ҳисобланади ва номзодлар рўйхатидан чиқариб ташланади.

Номзод томонидан меҳнат шартномаси имзоланганидан сўнг Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда пуллик кетиш олди ўқув машғулотларини белгиланган ўқув марказида ўтиш талаб этилади. Ўқув марказида фуқароларга Кореянинг маданияти, Эркин ёллаш тизими тўғрисида қўшимча махсус дарслар ўтилади.

Кореянинг Меҳнат вазирлиги томонидан Кореянинг Муҳожирлик хизматига номзодларга виза тасдиқномасини олиш учун мурожаат қилинади. Номзодларга виза тасдиқномаси олингандан сўнг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги керакли ҳужжатларни расмийлаштиради. Ўқув машғулотларида тайёргарлик ўтгач, номзодларга Корея томони билан келишилган ҳолда олдиндан режалаштирилган жадвал асосида авиачипта сотиб олиниб, ишчилар Корея Республикасига ташкиллаштирилган ҳолда юборилади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛГИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

Аспирантлар ўртасида



САИДОВ Пўлат Озодбекович
(Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш йўналиши бўйича)

1972 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси» ихтисослиги бўйича аспиранти.

1998 йилда Урганч давлат университетини тамомлаган.

«Табиий географик тадқиқотлар назариясининг умумий жиҳатлари» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Илмий иш табиий географик фанлар назариясига бағишланган бўлиб, табиий географик концепциялар, яъни дунёқарашларнинг ривожланиши ва шаклланиш тарихини даврлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган.

РЎЗИЕВ Шоҳрухбек Набиевич
(Агросаноат мажмуаси йўналиши бўйича)

1982 йилда Андижон вилояти, Избоскан туманида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш» ихтисослиги бўйича аспиранти.

2002 йилда Андижон қишлоқ хўжалиги институтини имтиёзли тамомлаган.

2001-2002 йилларда Андижон қишлоқ хўжалиги институтидаги шаҳар «Фарҳод» болалар ва ўсмирлар каратэ клуби шохобчасининг мураббийи. Кўк белбоғ – иккинчи кью соҳиби. 2002 йилда талабалар ўртасида Улуғбек номли Давлат стипендияси танлови ғолиби бўлган. «Уруғлик бедани йиғиштириш технологияси ва техник воситалари мажмуасини асослаш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

МАҲМУДОВА Вилоят Шавкатовна
(Энергетика, ресурслар, саноат йўналиши бўйича)

1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент кимё-технология институтининг «Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси» ихтисослиги бўйича аспиранти.

1997 йилда Тошкент кимё-технология институтини битирган.

2006 йилда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган ёш олимларнинг II халқаро конференцияси иштирокчиси. «Ўзбекистон базальт маъданларидан паст ҳароратли цемент олиш технологияси» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Илмий иш республика цемент ишлаб чиқариш саноатида энергия тежаш каби долзарб масалага қаратилган.

МАДАТОВА Назира Абдугаффаровна
(Соғлиқни сақлаш ва экология йўналиши бўйича)

1982 йилда Тошкент вилояти, Қибрай туманида туғилган. Тошкент фармацевтика институтининг «Дори турлари технологияси ва фармацевтика ишини ташкил қилиш» ихтисослиги бўйича аспиранти.

2004 йилда мазкур институтни имтиёзли тамомлаган.

2001/2002 ва 2002/2003-ўқув йилларида Республика «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятининг стипендияси совриндори бўлган. Номзодлик диссертацияси «Арслонқуйруқ ўсимлигининг биофаол моддалари асосида дори шаклини яратиш» мавзусида бўлиб, ушбу илмий иш инсонларнинг юрак қонтомир ва асаб тизимлари касалликларини даволаш ва олдини олиш масалаларига бағишланган.



АКБАРОВ Фарҳод Жумабаевич
(Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув йўналиши бўйича)

1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари» ихтисослиги бўйича аспиранти.

2003 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган.

2002 йилнинг январь — май ойларида АҚШда, 2003 йил август — сентябрь ойларида Индонезия (JICA), 2004 йил май — июнь ойларида Жанубий Корея (Йонгнам университети) каби мамлакатларда малака оширган. Ҳозирда «Электрон тижоратни татбиқ этишнинг усул, алгоритм ва технологияларини тадқиқ этиш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

1118/147

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO
J&S
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, КОНЦЕРНЛАР, БАНКЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2006-2007 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Ёш мутахассислар-2007" тадбирини ўтказади. Унда университетда мукаммал назарий-амалий билимларни эгаллаган, замонавий техника ва технологиялар ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Ёш мутахассислар сизнинг ташкилот ва корхоналарингиз ривожига улкан ҳисса қўшишига университет раҳбарияти ишонади.

Маълумот учун телефонлар : (8 371) 396-47-69, 396-62-15. Факс: (8 371) 396-83-43. Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон миллий университети. www.nuu.uz, marketing@nuu.uz

2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот (Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

Т/Р	Таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сирдарё		Тошкент		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Тошкент ш.	
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
1.	Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари	8	26				1	1	1		1		3	1		1		1	1			1	2				1	1	3	2	13
2.	Санъатшунослик	4	12				1			1			1			1			2	1			2						2	1	4
3.	Ўзбек тили	25	43	1	1	2		5	2	1	1	1	3	2		1	2		3	1		1	3	2	4	1		5	11	2	13
4.	Инглиз тили	28	65		1			2	1	2	1	1	2	2			2	1	1			5	11	1	1	1	2		3	13	40
5.	Немис тили	7	11									1	1				2		1				3			2		2		2	4
6.	Француз тили	10	8					3									1									2		2	1	3	6
7.	Рус тили	12	15														1					2	3							10	11
8.	Тарих (мамлакат ва минтақа бўйича)	37	81			2	2	2	5		2	2	6	1	4	1	6	1	6	3	2	6	8	2	2	2	2	5	9	10	27
9.	Фалсафа	16	34					1	1	1			1	1	2		1	4	1		1	1	2		3		2	5	4	3	16
10.	Сиёсатшунослик	11	28		1				1		1								2	1	2		5		2		1			10	13
11.	Психология	20	64		1	1	1		1			1							3			3	4	1			1	3	4	11	49
12.	Социология	10	34				1		1	1			1	1		1	3		2		1		5		1		1		2	7	16
13.	Журналистика	43	64		2		4	2	2	4	1	1	1	1	1	1	2	2	4	1		4	8	2	3		2	5	8	20	26
14.	Архившунослик	5	6				1								1				1				1	1				1	1	3	1
15.	Иқтисодиёт	28	72	2			2	1			4		2	1	3		1	1	3	1			8		1		1	1	4	21	43
16.	Менежмент	16	23							1			3	1	1		1						4					1	1	13	13
17.	Бизнес	9	13								1			3			1						1	1	1				1	5	8
18.	Юриспруденция	30	92		3		2	1	1		6		2		3		4	2	5	1			14		2		7		4	26	39
19.	Биология	32	48	2	2		1	4	1		2		1	1	1	1	1	1		1		4	6			2	3	7	10	9	20
20.	Физика	17	24		1	1						1						1	2	1	1	1	5	1		2		2	4	7	11
21.	Механика	10	7																	1		1	3			1				7	4
22.	Астрономия	9	3																				1			1		4	1	4	1
23.	Кимё	18	21	1	1				2			2				1	1					5	4				1	6	2	3	10
24.	География	18	28			2	2			2			1		1	3	2	1				4	6			1	2		2	5	12
25.	Гидрометеорология	10	12	1					1	1	1							1			1		3					2	1	5	5
26.	Геология	32	33			1	1	1	1	2		4	4	1		1	2	1	1		2	4	4	4	4	1	1	5	5	8	8
27.	Радиопрепаратлар ва ядровий технология	5	2	1															1			1	1	1		1				1	
28.	Математика	31	32	2	2		2	1			3	1	2		1	2	1					3	4	2		1	2	8	5	11	10
29.	Амалий математика ва информатика	24	34			1	2	1			1		1	1	2	1	3		3			4	2		1			3	1	13	18
30.	Информатика ва ахборот технологиялари	19	51			3							4	1			2	1	2	1	1	1	2		1	2	3	2	4	8	32
31.	Лазер техникаси ва лазер технологиялари	3	0																					2				1			
32.	Геодезия, картография ва кадастр	20	15		1		2	1	1	1		1				2			2	1		1	2	2				2		9	7
33.	Агрокимё ва агротупроқшунослик	10	11					1		1			1		1		1					3					1	3	3	2	4
34.	Экология ва табиатдан фойдаланиш	10	22						1		1										1		7	1			1	1		8	11
	Жами	**587**	**1034**	**10**	**16**	**13**	**25**	**27**	**23**	**18**	**26**	**16**	**40**	**18**	**21**	**17**	**40**	**18**	**46**	**14**	**12**	**55**	**134**	**23**	**26**	**20**	**34**	**77**	**96**	**262**	**495**

2006-2007 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот (Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

1.	Санъатшунослик журналистикаси	2	4																1										1	2	2
2.	Ўзбек адабиёти	3	7		2								2									1				1			1	1	2
3.	Рус адабиёти	1	3						1																					1	2
4.	Ўзбек тили	2	8		1	1					1												1				2		1	1	2
5.	Туркий тиллар	0	6																		1						1		1		3
6.	Инглиз тили	3	35										2			1	1				1		2		1				1	2	27
7.	Немис тили	3	2	1	1							1	1																	1	
8.	Француз тили	2	2																								1			2	1
9.	Рус тили	1	2																		1	1					1				
10.	Таржима назарияси ва амалиёти	2	15		2						2				1						1			1					2	1	7
11.	Адабий манбашунослик ва матншунослик	1	5						1									1					1				2		1		
12.	Ватан тарихи	3	12									1					1		2		3		1				1		1	2	3
13.	Умумий тарих	2	4						1																		1	1		1	2
14.	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари	1	7								2												1					1	1		3
15.	Этнография	1	6			1											1				1				1				1		2
16.	Халқаро муносабатлар назарияси ва тарихи	2	11				1										1			1			1					1			8
17.	Археология	1	2		1																	1							1		
18.	Фалсафа тарихи	1	4																				1				1	1			2
19.	Эстетика	1	2				1																							1	1
20.	Замонавий Ғарб фалсафаси ва тарихи	1	3				1													1											2
21.	Фан фалсафаси ва методологияси	1	1																			1	1								
22.	Ижтимоий фалсафа	1	8		1						1				1		1		1										2	1	1
23.	Этика	1	3																						1				1	1	1
24.	Сиёсий фанлар назарияси ва тарихи	1	1														1													1	
25.	Амалий сиёсатшунослик	1	8								1							1					1				1		1		4
26.	Умумий психология, психология тарихи	1	20										1		1						1		2		1				1	1	13
27.	Спорт психологияси	1	10										1		1				1		1				1					1	5
28.	Социология назарияси, методологияси ва тарихи	2	10						2				1	1					1				2							1	4
29.	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	3	17						1		2		1		1		1				1	1	5		1				1	2	3
30.	Телевидение ва радио эшиттириш	1	6																1				3							1	2
31.	Жамоатчилик билан алоқалар	2	11														3				1		1		2				2	2	2
32.	Ноширлик иши ва муҳаррирлик	1	2																				1							1	1
33.	Оммавий ахборот воситаларида реклама	2	9														1		1			1	2							1	5
34.	Иқтисодий назария	2	17		1												1		1				1				3		1	2	9
35.	Минтақавий иқтисодиёт	1	12												1				2				3						1	1	5
36.	Менежмент (соҳалар бўйича)	1	15														1						2							1	12
37.	Бизнесни бошқариш	1	5																						1					1	4
38.	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти	1	6																				1						1	1	4
39.	Халқаро иқтисодий муносабатлар	1	25						1						2		1		1				4	1	1						15
40.	Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ	1	24				4								1		1				1									1	17
41.	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ	1	13		1		2								1				1				1						1	1	6
42.	Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик жараёни	1	17				1								1								2		2		1		1	1	9
43.	Зоология	1																												1	
44.	Ботаника	1	3																		1									1	2
45.	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	2	4																1		1		1							2	1
46.	Биофизика	1	1									1																			1
47.	Биокимё	2	2								1	1																		1	1
48.	Биотехнология	2	7																	1	2				1					1	4
49.	Энтомология	1	1																									1			1
50.	Биология фанларини ўқитиш методикаси	2	1														1					1								1	
51.	Назарий физика	1	3										1											1							2
52.	Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси	2	1			1													1											1	
53.	Оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика	2	2									1	1																1	1	
54.	Лазер физикаси	2	0	1																										1	
55.	Радиофизика	2	1																								1	1		1	
56.	Ядровий технологиялар	2	2											1	1														1	1	
57.	Полимерлар физикаси	1																												1	
58.	Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш	2										1																		1	
59.	Физика фанини ўқитиш методикаси	2	1					1					1																	1	
60.	Агрометеорология	0	2																						1						1
61.	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси	2	2												1		1			1										1	
62.	Қуёш тизими физикаси ва гелиофизика	2								1																				1	
63.	Назарий механика	2	1																											2	1
64.	Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси	2																												2	
65.	Ноорганик кимё	2	5										4				1											1		1	
66.	Аналитик кимё	1	4																				1		1	1	1		1		
67.	Органик кимё	2	1					1									1													1	
68.	Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	2	5										1		1						1	1	1						1	1	
69	Нефть ва табиий газ кимёси	2	6														1	1	1					1					2		2.
70.	Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол бирикмалар	2	4																2	1			1	1					1		
71.	Физик кимё	2	3	1									1						1									1	1		
72.	Иқтисодий ва ижтимоий география	1	7												1						1		2		2					1	1
73.	Ўлкашунослик ва туризм	2	9								1						1		1						1				1	2	4
74.	Гидрокимё	2														1														1	
75.	Агрометеорология	1																		1											
76.	Метеорология	2														1						1									
77.	Суғориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув хўжалиги иқтисодиёти	1	1		1					1																					
78.	Геофизика	2	2																										1	2	1
79.	Геокимё	2	1							1																				1	1
80.	Палеонтология ва стратиграфия	2																												2	
81.	Петрография, вулконология	1																												1	
82.	Минералогия, кристаллография	1	1																			1	1								
83.	Геология	2	1									1				1	1														
84.	Гидрогеология	1	1																						1					1	
85.	Математик таҳлил	2	2	1													1												1	1	
86.	Дифференциал тенгламалар	1	1																											1	1
87.	Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика	2												1																1	
88.	Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси	2	3												1		1					1								1	1
89.	Ҳисоблаш математикаси	1	5						1														1				1		1	1	1
90.	Амалий математика ва ахборот технологиялари	2	16		1		1												1				2						1	2	10
91.	Математик физика	2	4														1								1		1	1		1	1
92.	Геометрия ва топология	1	1											1																	1
93.	Физика ва мелиорация	2	2				1											1												1	1
94.	Физик электроника	2	1					1																						1	1
95.	Картография	2	4																			2	1		1				1		1
96.	Коллоидлар ва мембраналар кимёси	0	1												1																
97.	Агрокимё	2	2			1																1					1		1		
98.	Экология	2	9														1		1								1		2	2	4
99.	Биоэкология	1	5												1				1				1							1	2
100.	Олий журналистика	0	84		1		3		1		1		2		6		8		4		1		8		3		4		2		40
	ЖАМИ	**154**	**605**	**4**	**13**	**4**	**15**	**3**	**9**	**3**	**12**	**7**	**20**	**4**	**24**	**4**	**34**	**4**	**27**	**6**	**20**	**14**	**60**	**5**	**24**	**2**	**25**	**9**	**44**	**85**	**278**

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК

Бобо нимадан хавотирланди?

Яқинда Сирдарё вилоятида яшовчи бир танишим телефон қилиб қолди:

— Катта неварамнинг мазаси йўқ, — деди у. — Дўхтирга боргандик, аниқ бир ташхис қўя олишмади. Уни Тошкентга олиб бориб, каттароқ дўхтирларга кўрсатсам дегандим.

Орадан икки кун ўтгач танишим неварасини олиб келди. Бешинчи синфда ўқийдиган болакайнинг кўзлари узоқ вақтдан буён тўшакка михланиб қолган хаста одамнинг кўзларини эслатарди. Кайфияти тушкин, ўзи эса жуда ҳорғин. Бобосининг айтишича, тез-тез шамоллаб тураркан. Шунингдек, кейинги пайтларда хотираси ёмонлашибди, кўп нарсаларни эсидан чиқариб қўядиган одат чиқарибди. Натижада мактабда дарсларни ўзлаштириши ёмонлашибди.

— Неварамнинг қачон қараса уйқусираб юришидан хавотирдаман, — дейди танишим. — Ахир, бола дегани ерга урсанг кўкка сачрайдиган, шўх бўлиши керак-ку.

Эртаси куни Тошкент Тиббиёт академияси клиникасига қарашли поликлиникага бордик. У ерда болакайни яхшилаб текшириб кўришгач, ташхис аниқ бўлди. У камқонлик хасталигига чалинган экан.

— Дўхтирлар адашишди, шекилли, ёш бола ҳам камқон бўладими? — дея ҳайрон бўлди танишим.

Афсуски, бугун кўпчилик шундай ўйлайди. Уларнинг тасаввурида, фақат ҳомиладор аёлларгина анемия билан оғриши мумкин. Ваҳоланки, камқонлик дунёда энг кўп учрайдиган хасталикларнинг бири. У, айниқса, аёллар ва болаларда кўп учрайди. Чунки уларнинг организмида темирга бўлган эҳтиёж катта ёшдаги эркакларга қараганда уч-беш баравар кўп бўлади.

Маълумки, камқонлик инсон организмида темир ва фолий кислотаси етишмаслигидан келиб чиқади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳар куни дунёда 500 нафар чақалоқ фолий кислотаси танқислиги туфайли оғир туғма нуқсонлар билан туғилмоқда. Мамлакатимизда эса ҳар куни 13 нафар чақалоқ темир моддаси танқислиги билан дунёга келаяпти. Икки ёшгача бўлган гўдакларнинг 1000 нафардан ортиғи ўсмай қолиш хавфи остида яшамоқда. Бунинг сабаби, улар организмида темир моддаси етишмайди. Кунига 2 нафар гўдак туғма нуқсон ила ҳаётга келаяпти. Чунки бу болалар организми фолий кислотаси танқислигига мубтало бўлган. Ўйга толдирадиган, хавотир уйғотадиган рақамлар бу. Қалбингни ларзага соладиган, баданингни жунжиктирадиган далиллар бу. Шундай эмасми?

Аслида инсоният яратилибдики, у турли хасталиклар, эпидемиялар, дардларга дуч келади. Замонлар, йиллар давомида уларга даъво топилади, айримлари умуман йўқ бўлиб кетади. Масалан, яқин йилларгача одамларга қизилча, қизамиқ, сувчечак, ичтерлама, вабо каби ўнлаб касалликлар хавф соларди, улардан минглаб инсонлар нобуд бўларди. Бугун бу касалликлардан биронтасининг учраши ҳам, дунёда фавқулодда ҳолат сифатида қабул қилинади.

Албатта, ривожланиш, тараққиёт, жамиятдаги палапартиш ҳаёт, табиатга бўлган аёвсизларча муносабат туфайли экология бузилаяпти, турли янги-янги касалликлар пайдо бўлмоқда. Бу касалликларнинг айримларини даволашга замонавий тиббиёт ҳам ожиз. Камқонликни бундай хасталиклар сафига қўшиб бўлмайди. Лекин шундай эса-да, у, бугунги тиббиёт катта ютуқларга эришган даврда ҳам, негадир дунёда энг кўп учрайдиган дард сифатида қолмоқда. Айрим мамлакатларда аҳолининг 60-70 фоизи камқонликдан озор чекмоқда. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ер юзи аҳолисининг 2,3 миллиард нафари ушбу хасталикка чалинган.

Миллат манфаатига дахлдор дастур

Бизнинг мамлакатимизда ҳам анемияга чалинган беморлар анчагина. Собиқ шўролар даврида бу хасталикни даволаш, унга қарши курашиш масаласига негадир ўгай кўз билан қаралган. Натижада камқон онадан нимжон фарзанд туғилиши ҳисобига беморлар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Ҳозирги кунда ҳам у иқтисодимизга анчагина зарар етказаяпти. Хасталик оқибатида ишлаб чиқариш унумдорлиги пасаяётганлигидан ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий нафақаларга сарфланаётган харажатларнинг ўзи 356 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ юртимизда микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга катта эътибор берила бошланди. 2001 йилдан буён Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда JFPR-9005 лойиҳаси доирасида юртимиздаги жуда кўп ун комбинатлари унни бойитадиган дозаторлар билан жиҳозланиб келинмоқда.

2003 йилда Президентимиз ташаббуси билан Унни бойитиш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистонда аёллар ва болалар ўртасида камқонликни 20 фоизгача камайтириш, микроэлементлар ҳамда витаминлар билан бойитилган маҳсулотларни истеъмол қилишга асосланган янги овқатланиш маданиятини шакллантириш учун самарали ва ишончли институционал база яратишдан иборат эди. 2004 йилда Ўзбекистон ушбу дастур лойиҳасини амалга ошириш учун минтақада биринчилардан бўлиб Овқатланишни Яхшилаш Глобал Альянсининг 2,8 миллион долларлик грантини олишга муваффақ бўлди. Тадбирнинг ниҳоятда эътибор бериш лозим.

Қайд этиш лозимки, дастур доирасида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли 44 та ва 6 та хусусий ун корхоналари керакли асбоб-ускуналар ҳамда премикс (витамин ва минераллар аралашмаси) билан таъминланади. Йилига 1,9 миллион тонна унни бойитиш учун қувватлар ташкил қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу анемиянинг хатарли тури билан оғриган аҳолининг деярли 90 фоизини бойитилган ун билан таъминлашга имкон беради.

Аммо бу корхоналар мамлакатдаги жами ўннинг фақат 53 фоизинигина ишлаб чиқаради. Шундай экан, бундай пайтда фақат бойитилган ун импортини таъминлаш зарур. Бойитилган ун импорти устидан назорат ўрнатиш Ўзбекистонда яшовчи 80 фоиз аҳолининг бундай унга бўлган эҳтиёжини қоплашга имкон беради.

Ун харид қилганингизда...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фақат биринчи нав ун бойитилади. Шу ўринда, айнан ун бойитилади, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, биз нон ва ун маҳсулотларини ҳар куни истеъмол қиламиз. Ўннинг бойитилган ёки бойитилмаганини қопга тиқилган «Соғлом маҳсулотлар» махсус белгисига қараб ажратиш мумкин. Баъзан шундай махсус логотип қопнинг ўзига чизилган бўлиши ҳам мумкин. Ун харид қилаётганда ушбу белгига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ун Марказий Осиё учун махсус ишлаб чиқилган витаминлар ва микроэлементлар комплекси билан бойитилади. Премикс таркибида темир моддасидан ташқари, фолий кислотаси, рух ва В гуруҳ витаминлари ҳам бўлади.

Бойитилган ундан нон ёпишда ва бошқа таомлар тайёрлашда витаминларнинг бир қисми едирилиб кетиши мумкин, аммо керакли микроэлементларнинг катта қисми организм учун етарли миқдорда сақланиб қолади.

Темир моддаси ва фолий кислота инсонни камқонликдан, туғуруқдаги ўлимлардан, туғма мажруҳликлардан ташқари, инфаркт ва инсультлардан ҳимоя қилишда ҳам ёрдам беради.

Бойитилган ун истеъмол қилишнинг самараси тезда кўринмайди. Қондаги гемоглобин миқдори меъёрга келиши учун бойитилган ун ва нонни камида бир ёки икки йил давомида мунтазам истеъмол қилиш лозим.

Аввалги мақолаларимизда таъкидлаганимиздек, чой ва қаҳва овқатдаги темир моддасининг ҳазм бўлишига 70-100 фоиз тўсқинлик қилади. Шунинг учун овқат пайтида чой ичиш мумкин эмас, ярим соатча кутиб туриш керак. Чой ўрнига компот, шарбат, қайнаган ёки минерал сув ичиш мумкин.

> *Темир моддаси ва фолий кислота инсонни камқонликдан, туғуруқдаги ўлимлардан, туғма мажруҳликлардан ташқари, инфаркт ва инсультлардан ҳимоя қилишда ҳам ёрдам беради.*
>
> Healthy Food Sog'lom Mahsulotlar

Она қувончи

Юқоридагилардан маълум бўлаяптики, камқонликка қарши кураш мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаяпти. Хўш, унинг самараси қандай бўлаяпти? Биз бу саволга жавоб топиш учун Тошкент вилояти Тошкент туманидаги аҳвол билан танишиб чиқдик.

— Туманимизда 139700 аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман «Саломатлик маркази» бош шифокори Ҳабибулло Расулов. — Уларнинг 33436 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 45694 нафари 14 ёшгача бўлган болалардир. Аҳолига бугунги кунда 13 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та поликлиника, 5 та шифохона хизмат кўрсатмоқда.

Бош шифокорнинг таъкидлашича, 2006 йилнинг олти ойи давомида тумандаги барча 14 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, қонлари таҳлил қилинган. Натижалар шуни кўрсатдики, ҳомиладор аёлларнинг 52 фоизи, туғиш ёшидаги аёлларнинг 62,7 фоизи, 14 ёшгача бўлган болаларнинг 36 фоизи турли даражада анемия билан хасталанган экан. Ушбу дард ўз асоратлари билан хавфли эканлиги, айниқса, ўсаётган организмга ёмон таъсир кўрсатишини, ҳомиладор аёлларда боланинг ривожланишига ва туғиш жараёнида ёмон оқибатларга олиб келиши аён. Шунинг учун ҳам, уни даволаш ва олдини олиш фақатгина тиббиёт ходимларининг эмас, кенг жамоатчиликнинг ишидир.

Туманда «Унни бойитиш бўйича Миллий дастур» асосида кўплаб ишлар олиб борилди. Жумладан, «Кўк терак» ва «Нон азиз» нон комбинатларида темир ва фолий кислотасига бойитилган ундан 1 миллион 100 минг дона нон тайёрланди ва аҳолига сотилди. Туман марказий шифохонаси бўлимларида, туғуруқ мажмуасида беморлар темирга бой дори-дармонлар билан таъминланди. Профилактика мақсадида ҳомиладор аёлларга темир препаратлари тарқатилди.

— Камқонлик туфайли биринчи фарзандим нобуд бўлганди, — дейди келеслик Маъмура Расулова. — Врачлар билан маслаҳатлашсам, биринчи навли ундан тайёрланган нон, шунингдек, темирга бой маҳсулотлар — ловия, мош, нўхат, янги мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этишди. Бундан ташқари, таркибида темир ва фолий кислотаси бор дориларни ҳам мунтазам ичиб турдим. Дўхтирлар маслаҳатига кўра чойни овқатдан сўнг ярим соат ўтказиб ичишни одат қилдим. Яратганга шукр, яқинда ўғилли бўлдим. Болам ҳозир дуркун ўсмоқда.

Ўтказилган тадбирлар ўз самарасини берди. 2006 йилнинг иккинчи ярим йиллигида аҳоли ўртасида ўтказилган қон таҳлиллари туманда камқонлик хасталигининг 5-8 фоизга камайганлигини кўрсатди. Чақалоқларнинг чала туғилиши ўтган йилга нисбатан 10 тага, паталогик туғуруқлар сони 105 тага камайди. Шу билан бирга, юрак-қон томир касаллигига чалиниш ҳам ўтган йилдагига қараганда анча пасайди.

Бу биргина тумандаги кўрсаткич. Агар ҳар бир туманда шундай силжишга эришилган бўлса, демак, мамлакат бўйича миллионлаб инсонларнинг саломатлиги тикланишига, минглаб гўдакларнинг соғлом туғилишига замин яратилган.

Мамлакатимизда камқонликдек хатарли дардга қарши кураш, Миллий дастур мақсадларига эришиш учун барча ҳамкорлар — ҳукумат, саноат, бизнес, савдо, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликнинг яқиндан ҳамкорлиги талаб қилинади. Фақат биргаликда, астойдил ҳаракат қилиш орқалигина Ўзбекистоннинг келгуси авлоди учун соғлом келажакни таъминлай оламиз!

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2006 йилдаги фаолияти якунлари ва 2007 йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2006 йилда Суд департаменти тизими қайта ташкил этилган эди. Қисқа муддатда мазкур департамент тизимида йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек, суд қарорларининг сўзсиз ижро этилиши тизимини янада такомиллаштириш, ушбу департаментга юклатилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда 20 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Қарор талабларига мувофиқ, кадрлар таркибини ҳалол, виждонли, малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш мақсадида Суд департаменти тизимидаги барча ходимлар аттестациядан ўтказилди. Суд ижрочиларининг касб маҳоратини ошириб бориш ва замонавий талаблар ва стандартлар асосида қайта тайёрлаб боришга йўналтирилган махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Тизимда кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинди.

Ушбу даврда Суд департаменти томонидан судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминотини яхшилаш ҳамда уларнинг иш фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2006 йилда умумий юрисдикция судлари жойлашган биноларнинг аҳволини ўрганиб бориш асосида уларни таъмирлаш, тайёр бинолар сотиб олиш ва янги бинолар қуриш бўйича ажратилган маблағларнинг самарали ўзлаштирилишига эришилди.

Йиғилишда суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини мажбурий ижро этиш сифатини янада ошириш, судлар ва суд ижрочилари бўлимлари фаолиятининг молиявий таъминотини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларида иштирок этишга таклиф этади!

Республика Кўчмас мулк биржасининг ҳудудий вилоят филиалари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас мулклар, техника воситаси ва бошқа мулклар савдога қўйилишини маълум қилади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилоят филиалида 2007 йил 27 февраль куни соат 10.00да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги транспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Қашқадарё вилояти суд департаменти томонидан хатланган, Китоб тумани «Ёшлик» МЧЖга қарашли пойдевори бетон, девор ва девор оралиғи ғишт, томи шифер, 1991 йилда фойдаланишга топширилган, умумий майдони 613,8 кв.м. бўлган маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 37 718 000 сўм.
2. Қашқадарё вилояти суд департаменти томонидан хатланган. Китоб тумани «Ёшлик» МЧЖга қарашли пойдевори, том қисми ва деворлари бетон плита, 1991 йилда қурилган, умумий майдони 1806,06 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 111 391 000 сўм.

2007 йил 2 март куни соат 11.00да

3. Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, Қарши шаҳар «Джамайка» савдо ишлаб чиқариш корхонасига тегишли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати соз, давлат рақами 18 А 257 бўлган, «KOEGELSVKT 24» русумли рефрижератор тиркама.
Бошланғич баҳоси — 46 080 000 сўм.
4. Шаҳрисабз тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, фуқаро И.Меликовга тегишли Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчасида жойлашган пойдевори бетон, девор ва девор оралиғи блок ва пишиқ ғишт, том қисми плита ва шифер, 1997 йилда фойдаланишга топширилган, умумий ер майдони 1554,6 кв.м. бўлган «Роҳат» кафеси ва қўшимча бинолари.
Бошланғич баҳоси — 30 197 000 сўм.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 19 январдаги №15 (4168)-сонида Миробод тумани суд ижрочилари томонидан 2007 йил 16 январдаги №К-7/15-сонли хатига асосан бошланғич баҳоси 1 000 000 000 сўм бўлган, «NIGSA» МЧЖ ҳисобидаги, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган, 2002 йилда қуриб битказилган маиший хизмат мажмуаси, дўкон ва офис хоналаридан иборат 5 қаватли ҳамда ертўласига эга бўлган умумий майдони 3350 кв.м. бўлган бинонинг аукцион савдоси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 24 январдаги №10-0714/799-сонли ажрим ишига мувофиқ тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига: 20210000200571452006, Қарши шаҳар «Асакабанк», МФО 00194, ИНН 200933850 тўлашлари шарт.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Қашқадарё вилояти филиали манзили: Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ марказий идораси манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш-2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй, 2-қават, 208-хона. Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖнинг

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2007 йил 12 февраль куни соат 14.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси Фарғона вилояти муассасаси биносида очиқ танлов савдолари ўтказилишини эслатиб ўтади.

Танлов савдосига «Фарғона сунъий чарм заводи» ОАЖ кредиторлар қўмитаси томонидан тақдим этилган Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй манзилидаги «Фарғона сунъий чарм заводи» ОАЖ мулкий мажмуа сифатида сотувга қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 2 517 000 000 (икки миллиард беш юз ўн етти миллион сўм).

Танлов шартлари:

1. *Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари.*
2. *Сотув объекти бўйича харид нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.*
3. *Ишлаб чиқарилиши кутилаётган маҳсулот режаси, ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги, хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.*
4. *Мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара бўйича таклиф.*
5. *Сотув объекти бўйича молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари бўйича таклиф.*
6. *Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми бўйича таклифлар.*
7. *Тўлов қобилияти тўғрисида банк маълумотномаси.*

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «KAFOLAT RIELT» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ЎзР ТИФ МБ Фарғона бўлимидаги МФО 00493, ИНН 205669645, ОКОНХ 84200, 20208000904406764002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Танлов шартлари бўйича таклифлар, муҳрланган конвертда икки нусхада топширилиши лозим. Савдода иштирок этиш учун топириладиган ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилинган савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй. Телефон: 226-45-48.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Лавозимига қайта тикланди



Газетамизнинг ўтган йили 1 декабрь сонида «Ҳамон ишсизман» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Яқинда Андижон вилояти прокурори адлия катта маслаҳатчиси Б.ДЕҲҚОНОВ имзоси билан таҳририятга расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

«Пахтаобод туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда «Қўқонқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқарув ҳайъати раисининг 2006 йил 31 августдаги буйруғи билан М.Солиева Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100, 102-моддаларига зид равишда эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги аниқланиб, қонунга хилоф мазкур буйруқ туман прокурорининг протести билан бекор қилинган.

Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти маъмурияти томонидан М.Солиева муқаддам ишлаб келган техник назорат бўлими бошлиғи лавозимига тикланмасдан бошқа лавозимда ишлашга таклиф этилган. Вилоят прокуратураси аралашуви билан жамият бошқарув ҳайъати раисининг 2006 йил 22 декабрдаги буйруғи қабул қилиниб, унга асосан М.Солиева муқаддам ишлаб келган техник назорат бўлими лавозимига қайта тикланиб, ишламай келган кунлари учун етказилган жами зарар тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Текшириш натижасига кўра, «Қўқонқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқарув ҳайъати раиси И.Халилжоновга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 30 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	960,96	1 БАА дирҳами	338,32	1 Канада доллари	1052,80	1 СДР	1850,43
1 Англия фунт стерлинги	2433,95	1 АҚШ доллари	1242,51	1 Хитой юани	159,77	1 Туркия лираси	867,37
1 Дания кронаси	215,24	1 Миср фунти	218,16	1 Малайзия ринггити	354,70	1 Швейцария франки	990,60
		1 Исландия кронаси	17,90	1 Польша злотийси	409,06	1 ЕВРО	1603,96
						10 Жанубий Корея вони	13,21
						10 Япония иенаси	102,05
						1 Россия рубли	46,79
						1 Украина гривнаси	246,04

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Янги китоблар



Тоталитар тузумда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалар бошқарувидаги марказлашувдан воз кечилиб, бозор иқтисодиётига монанд менежментнинг жорий этила бошлаганлиги мустақил мамлакатимизда хўжалик юритиш борасида ҳам бир талай ўзига хос йўлларни, ҳатто мактабларни юзага келтирди. Ташаббускорлик, ижодкорлик ва новаторлик раҳбар салоҳиятини белгиловчи асосий хислатлар сифатида саналадиган бўлди. Пировардида бошқарув бобида мамлакатимизда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар маълум маънода илмий тадқиқотлар объектига айланди. Бир сўз билан айтганда, "замонавий менежмент", яъни бошқарув атамаси кундалик муомаладаги фаол сўзлар қаторидан жой ола бошлади.

ИЛМГА АСОСЛАНГАН БОШҚАРУВ

Кадрлар тайёрлаш тизими, таълим-тарбия соҳаси ҳам мустақиллик йилларида ўзига хос тарзда шакллантирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва улар ижросини бевосита таъминлаш мақсадида қабул қилинган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" доирасида оламшумул янгиланишлар кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Ҳукуматимиз бу йўналишларга мамлакатимизни келажакда ҳар томонлама ривожлантирадиган, тараққий эттирадиган энг муҳим тармоқ сифатида қараб келмоқда ва соҳа олдига аниқ вазифаларни қўймоқда.

Бир қараганда, мактаб фаолият юритиб турса, бу вазифаларни уддаласа бўлади деган хулосага келиш мумкин. Бироқ мактабни маълум бир мақсад ва натижага эришиш йўлида ҳаракат қилаётган яхлит бир "организм" сифатида тушунадиганлар бунчалик содда ўйламайди. Педагогика фанлари доктори Рустам Аҳлидинов ўзининг "Мактабни бошқариш санъати" китобида ўз ичига бир неча ўнлаб йўналишларни қамраб олган мактабга раҳбарлик жараёнини умумий ўрта таълимда сифат ва самарадорликни таъминлашга йўналтирган ҳолда тадқиқ этган. Мазкур монография мамлакатимизда мустақил фикрловчи, ҳар қандай муаммони доноларча еча олувчи ёшларни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этган таълим сифатини оширишга қаратилган. Олим умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришнинг назарий, ижтимоий-педагогик ва амалий услубий асосларини ишлаб чиқиш асосида иш сифати ва самарадорлигини мунтазам ошириб бориш механизмини яратиш ғоясини илгари суради. Шу мақсадда олиб борилган тадқиқот давомида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришнинг методологик асослари, бошқарув тизимининг турғунлиги ва ривожланиш омиллари таҳлил этилган, республикамиз ва тараққий этган хорижий мамлакатлар таълими бошқарувига оид тажрибаларни ўрганиб, амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаган.

Мазкур китоб 5 фаслдан иборат бўлиб, шунингдек, унда хулоса, тавсиялар ва педагогик атамалар изоҳли луғати берилган. Биринчи фаслда ижтимоий-педагогик бошқарувнинг объекти сифатида таълимни бошқариш илмий билимларнинг бир тармоғи эканлиги таҳлил этилган ҳамда мактаб бошқаруви фанининг предмети, мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олинган. Мактаб бошқарувини азалий жараён сифатида тарихий-қиёсий жиҳатдан ўрганиш асосида мустақиллик йилларида таълим соҳасини инсонпарварлаштириш ҳамда демократлаштириш шароитида бошқаришнинг илмий-назарий ва амалдаги ҳолати, унинг самарадорлигини ошириш замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Юқорида айтганимиздек, мактаб яхлит бир организм бўлса-да, унга ҳам табиий равишда ўз ҳамкорлари билан биргаликда ҳаракат қилиш, турли таъсирларга киришиш ва ўзаро алоқаларни ўрнатиш жуда муҳим хусусият ҳисобланади. Китобнинг иккинчи фаслида таълим муассасасининг ташқи муҳит ва жамоат ташкилотлари билан алоқалари, жамият ижтимоий муҳити, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий, этик, экологик, демографик омилларнинг таълим сифатини белгиловчи хусусиятларига таъриф ва тавсиф берилган.

Китобнинг учинчи фасли таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга бағишланган. Бу жараён давлат таълим стандартлари — таълим сифатини бошқаришнинг меъёрий асоси сифатида таҳлил этилади. Ундан келиб чиқадиган таянч ўқув режалари асосида яратиладиган ўқув режалари ва уларнинг турлари, предмет ўқув режалари ва уларнинг ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ жиҳатлар кенг ёритилган.

Ҳар қандай бошқарувга хос бўлганидек, таълим сифатини бошқариш ҳам мақсадлар ва натижалар орқали амалга оширилиши ва унинг режалаштирилишида стратегик-истиқболли ҳамда йиллик режалаштириш, ниҳоят назоратнинг амалга оширилиши каби тадбирлар ўзига хосликлари китобнинг тўртинчи фаслида баён этилган. Ушбу фикрлар "Педагогик жамоанинг натижалар асосида ривожланишида юксалиш даражаси" чизмасида ўз аксини топган.

Асосан олиб борилган илмий изланишларнинг маълум маънода амалиётдаги натижаларини ўзида мужассамлаштирган бешинчи фаслда тадқиқотга доир тажриба-синов ишларининг моҳияти, мақсад вазифалари, таълим сифати мониторинги, унинг натижалари ҳам сифат, ҳам математик-статистик жиҳатдан ишлаб чиқилган. Шунингдек, муҳим воситалардан бири бўлган умумий ўрта таълим сифати бошқарувининг информацион тизими яратилган.

Мамлакатимизда мактаблар қурилиши, таъмирланиши ва уларнинг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланаётганлиги, буларнинг барчаси илм масканларида тўлақонли шахсни тарбиялайдиган, унга ҳаётий зарур билим ва кўникмаларни беришга қодир шарт-шароитни, таълим муҳитини яратишга қаратилган. Якуний натижага эришувда эса асосий ҳаракатлантирувчи куч, белгиловчи омил, табиийки, мактаб педагогик жамоаси бўлиб қолаверади. Бугунги замонавий директорнинг, умуман олганда, таълим тизими бошқарувидаги ҳар бир ходимнинг ўз фаолиятини илмий асосланган тарзда ташкил этиши, ҳар бир хатти-ҳаракатини мақсадли тарзда амалга ошириши давлатимиз томонидан соҳа олдига қўйилаётган талаб ва вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилишини таъминлайди. Биз сўз юритган ушбу китоб бу борада уларга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда асқотади.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори.

Спорт

Федерация кубоги

Тошкент шаҳри ва вилояти стадионларида Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги учун баҳслар бошланди.

Футболчилар учун янги мавсум олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтовчи мазкур турнирда ўн битта жамоа иштирок этмоқда.

Олимпиячиларимиз Туркияда

Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Туркияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда.

Вадим Абрамов ва Миржалол Қосимов шогирдлари ўз олдига 2008 йил Пекин (Хитой)да бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган. Футболчиларимиз дастлаб Молдованинг «Зимбру» ва Россиянинг «Амкар» жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушиб, кичик (0:1) ҳисобда имкониятни бой беришганди. Кеча йигитларимиз Жанубий Кореянинг «Ульсон» жамоаси билан беллашдилар.



Грециядa кураш байрами

Хабарингиз бор, ҳар йили миллий спортимиз — кураш бўйича мусобақаларни Грециядa давлатимиз раҳбари, Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президенти Ислом Каримов халқаро турнири бошлаб беради. Зеро, Греция Олимпиада ватани бўлиши билан фахрланса, биз курашимиз билан фахрланамиз.

Кеча Салоники шаҳридаги муҳташам спорт саройида бошланган турнирда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган полвонлар мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Цзю боксдан кетадими?

Профессионал бокснинг ўрта вазнида собиқ мутлақ жаҳон чемпиони россиялик Константин Цзюни мухлислар яна рингда кўриши мумкин.

Ҳозирда Австралияда истиқомат қилаётган Цзю профессионал боксдаги сўнгги жангини ўтказиш учун рақиб қидирмоқда, деб хабар беради Scy News.

Эсингизда бўлса, россиялик боксчи бундан икки йил муқаддам, яъни 2005 йил IBF чемпионлик камари учун ўтказилган жангда англиялик Рикки Хаттондан техник нокаутга учраганди.

— Албатта, мени кучли боксчилардан бири билан рингга чиқиш қизиқтиради, профессионал боксдаги фаолиятимни муносиб якунламоқчиман,— деди у журналистларга берган интервьюсида.

З.ЖОНИБЕКОВ.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ



жисмоний шахслар учун мўлжалланган жами 50 миллион сўм миқдоридаги 5 минг дона янги депозит (омонат) сертификатларини муомалага чиқарди.

Сертификатларнинг йиллик фоиз ставкаси 18 фоиздан иборат. Уларни сўндириш муддати — 6 ой. Мазкур қимматли қоғозлар «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг республикамиз ҳудудларидаги барча филиаллари орқали сотилмоқда. «Микрокредитбанк» сертификатларини сотиб олиб жамғармаларингизни кўпайтиринг!

«Микрокредитбанк» АТБ бошқарувининг манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Лутфий кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 173-28-11, 173-05-79.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

«Тарандубитель» ОАЖ (Андижон вилояти, Хонобод ш., С. Обидов к., 1-уй) Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 17 январь кунги 17-0604-13150-сонли иш юзасидан чиқарган қарорига асосан банкрот деб топилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди. Тугатиш бошқарувчиси В. Г. Абдуллаев. Тел.: 971-23-57.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида корхона маъмурий биносида қабул қилинади. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2007 йил 20 февраль соат 10.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади. Манфаатдор шахслар ваколатнома билан қатнашишлари сўралади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
"O'ZKABEL" OAJ QK

Сизни чин қалбдан Янги — 2007 йил билан табриклайди! Мустаҳкам соғлиқ, омад Сизга ҳамиша ёр бўлсин. Янада гуллаб-яшнашингизга тилакдошмиз!

Янги йил эшик қоқди, Уйингиз бахтга тўлсин. Орзу-умидлар бу йил, Албат рўёбга чиқсин!

Тошкент ш., Ф.Хўжаев к., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Дўстлик туман судининг раиси

Анорбой БОБОБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази директори ўринбосари Абдуҳаким Комилов ва унинг оила аъзоларига падари бузруквори

АБДУВОСИҚ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт бош муҳандиси ўринбосари О. Т. Раҳимбоевга онаси

РИХСИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Туризм кафедраси доценти Мурод Мирзаевга онаси

ТОЖИНИСО ҳожи аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль йўллар институти жамоаси ходимлар бўлими бошлиғи Дилбархон Содиқовага волидаи муҳтарамаси

МОҲИРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. — Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.00 123 56